Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
11-fevral,
payshanba,
№ 18
(3679)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Бунёдкорлик

**Бугун Навоий вилоятининг қай бир ҳудудида бўлманг, улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларига дуч келасиз. Айниқса, чекка ҳудудларга эътибор аҳоли кайфиятини чоғ қилмоқда.**

## Янги уйларда — янги орзулар

2014 йилда вилоятнинг 17 массивида 677 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жой фойдаланишга топширилган эди. Ўтган йилда эса 23 та массивда 745 та уй-жойнинг калитлари эгаларига тақдим этилди. Жорий йил учун белгиланган режалар янада салмоқли.

— Навбаҳор тумани "Байҳо" массивида қурилган уйлардан бирига эга бўлдик, — дейди Тўхтапўлат Тўхтамуродов. — Қисқа муддатда ёруғ ва шинам уй эгасига айланганимдан хурсандман. Ушбу қулайликларга жавобан юртим тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Нуроталик Сами бобо Аллаёров 81 ёшда. Отахон шундай кунларни кўриш бахтига муяссар бўлганидан тилида шукрона. Кўп йиллар чўпонлик қилган бобо бугун фарзандлар ардоғида.

— Ўғлим Ҳалимбек оилали бўлгач, туманимизда қурилаётган янги уйлардан бирини харид қилиш истагини айтди. Бу менга ҳам маъқул бўлди, — дейди отахон. — Ҳеч қанча вақт ўтмай ўғлим ўз орзусидаги уй соҳибига айланди. Қўни-қўшнилари ҳам меҳр-оқибатли. Бугунги ёшларга ҳавас қиламан.

Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартирган бундай замонавий уй-жойлар атрофида болалар майдончаси, гузарлар билан янада фусункор қилиш, инфратузилма объектларини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Илҳомбек ҲАЙИТ**

# Қулай сармоявий муҳит самаралари

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муваффақиятли бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқишини тобора кучайтирмоқда. 2015 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган жами инвестицияларнинг 21 фоиздан ортиғи хорижий сармоялардан иборат экани бунинг ёрқин исботидир. Зеро, ҳар қандай тадбиркор ўз сармоясини фақат тинчлик барқарор бўлган, истиқболли бизнес имкониятлари кафолатланган мамлакат иқтисодиётига киритади ва ҳамкорликни йўлга қўяди.**



Тошкент вилоятидаги "Hi-Tech Kabel" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари ҳамкорлигининг амалий натижаси бўлган ушбу қўшма корхона 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда бу ерда паст ва юқори кучланишли электр тармоқлари учун ишлатиладиган турли кабел-симлар, жумладан, оптик толали, назорат кабеллари, ўтказгичлар ишлаб чиқарилмоқда.

Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини жалб этиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш, айни пайтда ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологиялар, ноу-хауларни жорий этишга хизмат қилмоқда.

"Hi-Tech Kabel" қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқаришда "Rosendahl" (Австрия), "Troester" (Германия), "High-Volt" (Германия), "Samp" (Италия), "Nokia" (Финляндия), "Caballe" (Испания), "Well Gain Cable Systems" (Хитой) каби нуфузли компанияларнинг юқори технологияли ускуналаридан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва маҳсулот турининг кўпайиши қўшимча иш ўринлари яратиш ва экспортни кенгайтириш имконини бермоқда. Айни пайтда корхона маҳсулотлари мамлакатимиз ички бозори билан бирга қатор давлатлардаги буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

2015 йилда корхонада 45 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жорий йилда бу кўрсаткични 50 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Маҳсулотлар юқори сифати, халқаро талабларга тўла жавоб бериши билан ажралиб туради. Улар барча зарур сертификатларга эга, сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос.

↘(2).

Бандлик

## Аҳоли фаровонлиги йўлида

**Бухоро туманининг «Шехонча» ҚФЙ ҳудудида «Шехон маркет» савдо мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Давр-Прогресс» масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий лойиҳалар асосида ишга туширилган савдо мажмуасида аҳоли учун зарур бўлган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари ва болалар учун кийим-кечаклар муҳайё. Бу ерда уч нафар ходимга доимий иш ўрни яратилди.**

Айтиш жоизки, яқин ойлар ичида савдо мажмуаси ёнида умумий овқатланиш шохобчаси, дорихона ва енгил автомобилларга сервис хизмати кўрсатувчи устахона ҳам фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Натижада, яна 12 та иш ўрни яратилади.

— Ҳудудимизда аҳоли учун кўплаб қулай шарт-шароит яратилмоқда, — дейди ҚФЙ раиси Нодир Муҳсинов. — Кейинги беш йил ичида бу ерда намунавий лойиҳалар асосида 130 та замонавий уй-жой қурилди. Поликлиника, сартарошхона, тикувчилик цехи, нонвойхона, савдо дўконлари каби сервис хизмати кўрсатувчи субъектлар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, спорт-соғломлаштириш майдончалари сони тобора кўпаймоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

**Жиззах вилоятида ўтган йил биргина саноат соҳасида 254 миллиард сўмлик 213 та лойиҳа амалга оширилди. Мавжуд корхоналар модернизация қилиниб, элликдан ортиқ турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

## Экспортбоп маҳсулотлар

Жумладан, "Жиззах" махсус индустриал зонасида "JUITA GULSHANA INVEST" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида йилига 15 минг дона бир неча турдаги тикув машинаси тайёрлаш имконини берди. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинаётир.

Ҳозирда элликта иш ўрнига эга корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш давом этмоқда. Янги лойиҳага кўра, келгусида бу ерда тикув машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

Шунингдек, ип ўраш дастгоҳлари, трикотаж маҳсулотлари тикишда кенг қўлланиладиган ярим сунъий иплар, кийимлар учун безак, ўровчи материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳам режалаштирилган бўлиб, натижада корхонада яна элликдан зиёд иш ўрни яратилади.

Бугунга келиб, вилоятда электротехника, кимё, маиший техника, автомобилсозлик, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир.

**Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири**

## Танлов эълон қилинди

**Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий журналистикамизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳа вакилларини ижодий изланишга ундаётганини таъкидлади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган мазкур танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Uzreport" ахборот агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда "Энг яхши фоторепортаж" ва "Энг яхши матбуот хизмати" рағбатлантирувчи номинациялари таъсис этилди.

"Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2006 йилда ўтказилган "Олтин қалам" I Миллий мукофоти учун танловда 136 журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2015 йили ўтган X Миллий мукофот учун танловда 690 ижодкор 15 мингга яқин материалини тақдим этган. Шу вақтга қадар танловда 5000 га яқин журналистнинг 70 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилган. 222 журналист танлов ғолиби ва совриндори бўлган.

Ижодий ишлар давлатимиз раҳбарининг журналистлар олдига қўяётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади, долзарб мавзудаги таҳлилий материалларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, ЮСАИД, "Минтақавий мулоқот" (Словения) каби қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳам танловда ўз мукофоти билан қатнашади.

Йиғилишда "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий масалалар кўриб чиқилди. "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни "Туркистон" саройида ўтказиладиган тантанали маросимда тақдирланади.

**Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

Осиё чемпионати — 2016

## Беш ғолиб жамоа жаҳон чемпионатига боради

*Пойтахтимизда мини-футбол бўйича Осиё чемпионати бошланди*



Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси томонидан Осиё футбол конфедерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш учун қатор давлатлар даъвогарлик қилган эди. Осиё футбол конфедерацияси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Хусусан, мини-футбол учун мўлжалланган янги махсус қоплама ўрнатилди, кийим алмаштириш хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди, мусобақа котибияти, ахборот маркази, тиббиёт хонаси, матбуот анжуманлари учун махсус жойлар ажратилиб, спортчилар, мураббийлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар учун барча шароит яратилди.

↘(4).



«Оқтош»да маънавият соати

>> 2



Зўр иштиёқ ва маҳорат билан

>> 4

Сарҳисоб

# Масъулият мезони

*Амалга оширилган ишларни таҳлил этиш, келгусида янада салмоқлироқ муваффақиятлар сари етаклайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари фаолиятининг 2015 йил якунлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойидан келиб чиққан ҳолда жорий йил учун белгиланган устувор вазифаларга бағишланган йиғилишлар ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлади.*

**Жумладан, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишини бирлашма кенгаши раиси Н.Пардаев олиб борди.**

Қайд этилганидек, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Энг муҳим жиҳат, бу жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ўсиб бораётгани. Ўтган йилда ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, жамоа-шартномавий муносабатлар орқали ходимлар манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш янада юқори поғонага олиб чиқилди. 891 та турли корхона ва ташкилотлар, фермер хўжалиги ва хусусий фирмаларнинг аъзоликка олинишига эришилди. Касаба уюшма ташкилотлари, айниқса, бошланғичлар фаолияти самарадорлигини ошириш, касаба уюшма ташкилотларига ёшлар ва аёлларни кенг жалб қилиш, кадрлар малакасини ошириш соҳасидаги ишларга жиддий ёндашув ўз натижасини берди.

Кексаларни эъзозлаш йилида нуронийларимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш борасида ўзига хос тажриба тўпланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар фаолиятни янада яхшилашга оид таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

***

**Вазифага масъулият билан ёндашиш ва бунда ибрат кўрсатиш ўз натижасини беради, албатта. Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлисида бу ҳақда атрофлича фикр юритилди. Уни бирлашма кенгаши раиси Ғ.Сафаров олиб борди.**

Таъкидландики, ўтган йил соҳа етакчиларининг фаоллиги туфайли аъзолар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси бир мунча ошди. Жумладан, жамоа шартнома ва келишувлари орқали 10419 фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. “Кексаларни эъзозлаш йили” дастури доирасида касаба уюшма маблағидан 677 млн., иш берувчилар томонидан 327 млн. сўм йўналтирилди. Ишловчи кексалардан 180 нафари тизим санаторийларида бепул соғломлаштирилди. 231 нафар пенсионер имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди.

Жамоа шартномалари бажарилиши ижтимоий шериклик тамойиллари асосида вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўрганилди. Ўтказилган давра суҳбатларида кўтарилган масалаларнинг кўпчилиги жойида ечимини топди.

Мажлисда йўл қўйилган қатор камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу куни бўлиб ўтган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилишида “Кексаларни эъзозлаш йили” дастури бажарилиши якунлари, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан вилоятдаги ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш каби мавзулар кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

***

**Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг мажлисини бирлашма кенгаши раиси Э.Ражабов олиб борди.**

Мажлисда бандлик алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган масала эканлиги эътироф этилиб, ўтган йилда вилоят касаба уюшма фаоллари томонидан 544 та корхона ва ташкилотда 4372 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилганлиги тилга олинди.

Музокаралар жараёнида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Илҳом Сабдаров, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Исмат Очилов, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон туман кенгаши раиси Озода Дўстмуродова ва бошқалар сўзга чиқиб, касаба уюшмаларининг молиявий фаолиятида, айниқса, аъзолик бадаллари тақсимотида бошланғич ташкилотлар манфаатини кўзлаб киритилган ўзгаришлар натижасида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, соғломлаштириш тадбирларида сезиларли ўсишлар бўлганини таъкидлашди.

Шунингдек, жорий йилда касаба уюшмалари олдига қўйилган устувор йўналишларни амалга татбиқ этиш, ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш давр талаби эканлиги қайд этилди.

***

**Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги мажлисида бирлашма кенгаши раиси Р.Жабборов ўтган йилги фаолият якунлари ҳамда келгусидаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.**

Таъкидланганидек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида белгилаб олинган фаолиятнинг устувор йўналишлари доирасида аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан жамоа шартнома ва келишувлари орқали 1086 нафар кекса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди, коммунал хизматлари тўлаб берилди, уй-жойларини таъмирлаш каби кўмаклар берилди. 109 нафар меҳнат фахрийси тизим санаторийларида бепул соғломлаштирилди.

Ёшларга эътибор кучайиб бораётгани, хусусан, ўтган йили 21 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар ажратилгани, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 59 нафар талабанинг шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилгани қайд этилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва билимини ошириш, шунингдек, меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш борасида муайян ишлар олиб борилди. Жумладан, ўтган йилда бирлашма юридик бўлими томонидан 207 та мурожаат кўриб чиқилиб, аксарият кисми ижобий ҳал қилиниши таъминланди.

Йиғилишда мавжуд камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, вазифалар белгилаб олинди. Уларни амалга оширишда фаоллик ва масъулият билан ёндашиш лозимлигига эътибор қаратилди.

***

Йиғилишларда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбирларимиз**

Раёсат йиғилиши

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида ўтган йилги фаолият якунлари атрофлича таҳлил қилинди ҳамда жорий йил учун устувор вазифалар белгилаб олинди. Уни Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев олиб борди.**

# Ходимлар манфаати устувор

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари, айниқса, долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Ўтган йилда тармоқдаги 138 та муассасада меҳнат шароитини яратиш ва бахтсиз ҳодисалар олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар касаба уюшма мутахассислари томонидан ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий кўмаклашилди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандлар, хусусан, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг аксарияти бажарилишига эришилди.

Нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда бошланғич ташкилотлар тузиш ва ходимларни касаба уюшма хизматига олиш устувор йўналишлардан бири этиб белгилангани боис корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаларини тузиш ва шу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар манфаатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилмоқда. Давлат статистика органлари ва лицензия берувчи идоралардан янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар олиниб, ходимлар ўртасида касаба уюшма афзалликлари тарғиб қилинмоқда. Натижада, ўтган йили 3279 та ташкилотда 9561 нафардан зиёд ходим аъзоликка жалб қилинди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан белгиланган манзилли тадбирлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамиз бўйича 210 нафар кексага танометр, эшитиш аппарати ва глюкометр (тест полоскаси) тақдим этилди. Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 27 нафар эҳтиёжманд соҳа ходимларининг иқтидорли фарзандлари имтиёзли соғломлаштирилди.

Маданий-маърифий тадбирлар ҳамда ходимлар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини янада кучайтириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Биргина касаба уюшмалари соврини учун ҳаваскор велоспортчилар ўртасида “Касаба тур” веломарафонининг барча босқичида 1874 нафар тиббиёт ходими фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Эришилган ютуқлар эътироф этилиб, айрим камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Юртимиз сиҳатгоҳларида

**«Оқтош санаторийси» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Маънавият соати»да санаторий ходимлари ва дам олувчилар иштирок этди.**

# «Оқтош»да маънавият соати

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси Маҳмуда Мурзаева Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим ҳамда мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Таъкидландики, барча соҳаларда эришилган ютуқлар олиб борилаётган оқилона сиёсат ва тинчлик-осойишталик меваси бўлиб, жорий йилда ижтимоий соҳага давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратиш белгиланганi таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларнинг янада ривож топишига хизмат қилади.

Шунингдек, санаторий касаба уюшма қўмитаси раиси А.Исроилова, «Сойлиқ» ҚФЙ раиси Н.Нарметов, «Сойлиқ» жоме масжиди имом-хатиби А.Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, Соғлом она ва бола йилининг моҳияти, тинчликнинг қадри, огоҳлик давр талаби эканлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаби асосида ташкил этиш ўта муҳим, — дейди санаторий касаба уюшма қўмитаси раиси А.Исроилова. — Бугунги тадбир ходимлар ва дам олувчилар, айниқса, ёшларимизда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, турли мафкуравий таҳдидларга қарши сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш кўникмаларини ҳосил қилишга кўмаклашади, албатта.

**Олимжон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Оқтош санаторийси» МЧЖ маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими**

Тадбир

# Фаолият жонланди

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сардоба туман кенгашининг мактаблар, МТМ, БЎСМ ва Пахтаобод коллеж бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Ҳабибулло Ўрозбоев бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш масаласига алоҳида тўхталди.**

Тизимда амалга оширилган такомиллашув натижасида, аъзолик бадалларининг 60 фоизи бошланғичларда қолаётгани санаторий йўлланмаларини ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун арзонлаштирилган нархларда олиш, аёллар, ёшлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар учун ижтимоий имтиёзлар қўллашда катта имконият яратиб берди. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат соҳасидаги манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни янада ривожлантириш имконияти юзага келди.

Тадбир мавзуга оид масалалар бўйича ўзаро фикр алмашув ва савол-жавобларга бой бўлди.

**Саломат ЖЎРАЕВ,**
**Сардоба тумани 15-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси**



# Қулай сармоявий муҳит самаралари

↖(1).

— Президентимиз раҳнамолигида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун бекиёс имкониятлар яратилгани биз, ишбилармонларни янги марралар сари руҳлантирмоқда, — дейди “Hi-Tech Kabel” масъулияти чекланган жамияти тижорат директори Азизжон Усмонов. — Жамоамиз келгусида нафақат Ўзбекистонда, балки минтақамизда ишлаб чиқарилиши ҳали йўлга қўйилмаган янги турдаги кабелларни тайёрлашни ўзлаштиришни мақсад қилган.

“Hi-Tech Kabel” қўшма корхонасида тўрт юздан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилади. Улар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган.

— Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежини тамомлаб, мазкур корхонага ишга жойлашдим, — дейди Дилафруз Дўстметова. — Мана, икки йилдирки, таъминот бўлимида экспедитор бўлиб ишлаяпман. Келгусида Тошкент ахборот технологиялари университетида таълим олиб, етук мутахассис бўлиб етишиш ва корхонамиз фаолияти янада ривожланишига ҳисса қўшиш ниятидаман.

Корхона юртимизда ҳамда турли мамлакатларда ўтказиладиган нуфузли кўргазмаларда фаол қатнашиб, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп кабел маҳсулотлари билан саноатимизнинг юксак салоҳиятини намойиш этиб келмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган суратлар.*

Меҳнат муҳофазаси

# Бир ёқадан бош чиқариб...

**Ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш, жумладан, хавфсиз ва кафолатланган иш ўринлари барпо этиш, меҳнат муҳофазасига оғишмай амал қилишда жамоа шартномаларининг ўрни бекиёс. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Усмон Каримов билан суҳбатимиз айнан меҳнат шароитлари, бу борада жамоат назоратини ташкил этишнинг бугунги аҳволи хусусидадир.**

— Мамлакатимизда иш ўринлари, меҳнат шароити ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган, — дейди, суҳбатдошимиз. — «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимларга санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб берадиган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш назарда тутилган.

Ушбу меъёрлар асосидаги тавсиялар барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларида мавжуд. Боз устига вилоятимизда 7073 нафар вакил меҳнат муҳофазасини жамоатчилик асосида назорат қилиб боради. Улар вақти-вақти билан ўқитиб турилади. Шунингдек, 3735 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида уч босқичли маъмурий-жамоат назорати фаолияти йўлга қўйилган. Аниқланган камчиликлар иш берувчилар томонидан ўз вақтида бартараф этилишига эришилмоқда.

Бўлимимиз томонидан корхона ва ташкилотларда санитария меъёри талабига жавоб бермаган зарарли омилларни камайтириш, ишловчи ходимларни шахсий ҳимоя воситалари, белгиланган имтиёзлар билан таъминлаш, иш шароитини яхшилаш юзасидан тегишли тавсия, амалий ёрдам ва тушунтириш бериб борилади. Асбоб-ускуналари эскирган, аттестация муддати ўтган корхоналар рўйхати шакллантирилади.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат шароити ноқулай ва зарарли иш жойларини баҳолаш юзасидан 103 та корхона ва ташкилотда ўтказилган мониторинг ҳам ўз самарасини берди. “Жума элеватори” АЖ, “Тикувчи” МЧЖ, вилоят «Сувоқава», вилоят Қон қуйиш маркази, Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Оқдарё туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят Болалар поликлиникаси, Онкология шифохонаси, 2-, 4-сон туғруқхоналар, вилоят Наркология диспансери каби муассасаларда иш ўринларини шаҳодатлаш юзасидан тегишли рухсатномага эга корхоналар билан шартномалар тузилган.

***— Меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларининг билим ва кўникмаларини оширишга қай тарзда ёндашилмоқда?***

— Соҳага дахлдор мутахассисларни жалб қилган ҳолда мунтазам семинар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни ҳамда Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни арафасида йирик давра суҳбатлари уюштирилди. Унда иштирокчиларга қатор ташкилотларда фойдаланаётган махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари слайдлар орқали намойиш этилди. Тадбир жараёнида шахсий ҳимоя воситалари кўргазмасига қизиқиш анчайин кучли эканлиги сезилди. Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалаларга бағишланган тадбирларимиз ҳам самарали кечди.

Агросаноат тизимида фермер хўжаликлари етакчи кучга айланди. Ишловчиларга етарли даражада иш шароити яратиш, хавфсизлиги кафолати бевосита унумдорликка боғлиқлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Ўрганишлар жараёнида соҳада талайгина камчилик борлиги аниқланди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари билан келишиб, ҳамкор ташкилотларни жалб қилган ҳолда, туманларда ўқувлар ташкил этилди. Мутахасислар томонидан “Фермер хўжаликларида меҳнатни муҳофаза қилишга оид муносабатлар”, “Қишлоқ хўжалигида ишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фермер хўжалиги раисининг мажбуриятлари”, “Механизациялаштирилган дала ишларида хавфсизлик чоралари”, “Фермер хўжаликларининг иссиқхоналарида бажариладиган ишлар хавфсизлиги”, “Чорвачилик соҳасидаги хавфсизлик”, мавзусида тушунчалар берилди.

***— Маълумки, меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш бўйича қатор танловлар ҳам ўтказиб келинмоқда...***

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ҳар йили “Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона республика кўрик-танлови”ни ўтказиш анъана тусини олди. Мақсад аниқ, у ҳам бўлса, иш берувчилар ҳамда жамоатчилик эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш, жамоат назорати таъсирчанлигини оширишдан иборат.

Ғолиблар ичида Самарқанд халқаро аэропорти, Ургут туманидаги 1-умумтаълим мактаби, Самарқанд чой қадоқлаш қўшма корхонаси, “Янгиқўрғон пахта заводи” АЖ, “Самарқанд автомобил заводи” МЧЖ ва бошқа бир қатор корхоналар бор. Эътироф этиш керак, корхона ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси масаласига бўлган эътибор кундан-кунга яхшиланиб бораётир.

Ишларни тизимли ташкил этиш муваффақият гарови бўлиб, ўтган йилда 174 та бошланғич ташкилотга амалий ёрдам кўрсатилди. Ўндан ортиқ услубий қўлланма ва буклетлар тарқатилиб, хавфсизлик қоидаларининг электрон қўлланмалари етказиб берилди.

***— Бўлим томонидан ишлаб чиқаришдаги шикастланиш орқали иш қобилиятини йўқотганларга қандай ёрдам кўрсатилмоқда?***

— Бундай пайтда қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатларга риоя қилинади. Тўловларда узилиш бўлган ҳолатларда касаба уюшмалари ёрдамга ошиқади.

Мана бир мисол. Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси “Тез тиббий ёрдам” бўлимида ишловчи М.Тошбоев 2009 йилда автоҳалокат туфайли иш вақтида тан жароҳати олган. ТМЭК томонидан III гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Бироқ, иш берувчи томонидан товон пулини тўлаб бериш пайсалга солиниб келинаётган экан. Унинг аризасига мувофиқ соғлиғига етказилган шикаст учун оймаой тўланиши лозим бўлган товон пули ундириб берилди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар барҳам топиши учун барча бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритиши даркор.

**«Ishonch» мухбири**
**Нурилла ШАМСИЕВ**
**суҳбатлашди**

